



20 13 yil " 5 " *август*

№ 249

" ___ " _____ 20 г.

Мажбурий нусхалар юборилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 январдаги "Даврий босма нашрлар мажбурий нусхалари юбориладиган муассаса ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 21-сон қарори ижросини самарали ташкил этиш, даврий нашрлар мажбурий нусхаларини тегишли муассаса ва ташкилотларга ўз вақтида тўлиқ етказиб берилишини таъминлаш ҳамда Агентлик Бош директорининг 2016 йил 5 июлдаги 217-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Даврий босма нашрларнинг мажбурий нусхаларини олувчи муассаса ва ташкилотларга юбориладиган нашрларнинг янгиланган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, даврий босма нашрларнинг мажбурий нусхалари тахририят томонидан белгиланган умумий тираж ҳисобидан юборилади.

3. Оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ҳ.Муродов) ҳамда Матбаа корхоналарини сертификатлаш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси (С.Хошимов) даврий босма нашрлар мажбурий нусхаларини муассаса ва ташкилотларга юборилишини назоратга олсин.

4. Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси (А.Кан) ушбу буйрукни даврий нашрлар тахририятлари ва даврий босма нашрлар чоп этувчи матбаа корхоналарига етказилишини;

янги ташкил этилган даврий босма нашрлар тахририятлари ва даврий босма нашрлар чоп этувчи матбаа корхоналарини ушбу буйрук билан таништириб борилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари бошлиқлари ҳудудий даврий босма нашрларнинг мажбурий нусхалари тегишли муассаса ва ташкилотларга ўз вақтида ва тўлиқ юборилишини назоратга олсин.

6. Ахборот хизмати (Ш.Урунов) мазкур буйрук ва рўйхатни Агентлик веб-сайтига жойлаштирсин.

7. Умумий бўлим (Ҳ.Ташмуратов) мазкур буйрукни Агентлик бошқарма ва бўлимлари, тизимдаги корхона ва ташкилотлар, ҳудудий бошқармаларга етказсин.

8. Мазкур буйрук ижросини ташкил этиш ва назоратини олиб бориш Бош директор ўринбосари К.Мансуров зиммасига юклансин.

Бош директор

А. Юнусов